



АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 8 июнь куни қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жорий йилда бандлик дастури доира-сида 457 мингта доимий иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг асосий ман-балари қишлоқ ҳўжалиги, тадбиркорлик, савдо ва сервис соҳаларидир.

Масалан, магистрал йўллар бўйида савдо ва хизматларни йўлга қўйиш, шаҳар ва туман марказларида махсус кўчалар ташкил этиш орқали 150 мингта иш ўрни яратиш жорий қилинади.

Аҳоли бандлигини таъминлашдаги яна бир катта заҳира — ер. Шу йил ян-варда ёшларга экин майдонларидан ер ажратилгани яхши натижа берди. Энди, Сурхондарёда бошланган тажриба асо-сида, ишсиз аҳолига қишлоқ ҳўжалиги ерларини 10 йил муддатга деҳқончилик билан шўғулланиш учун ижарага бериш тартиби жорий қилинади.

Бунинг учун жорий йилдан бошлаб қар-ийб 100 минг гектар галладан бўшаган ер майдонлари ишсиз аҳолига деҳқон ҳў-жалиги ташкил этиш учун берилади. Пах-та ҳосилидан кейин ушбу махсадлар учун яна 100 минг гектар ер ажратилади.

— Ёшларга ер берилиши тажриба бўл-ган эди. Энди катта тизимга ўтапмиз. Ерни ҳақиқий эгасига — халққа берамиз. Ҳоким-лар, сектор раҳбарлари қайси пахта ва галла майдонини қисқартиришни аниқлаб, уларни ишсиз аҳолига бериши зарур. Бер-ганда ҳам, манфаатдор қилиб, адолатли ажратиш керак. Бу юз минглаб одамлари-мизни иш билан, даромад билан таъмин-лайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга ер олган аҳолига уруғ ва кўчатлар етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотларни сотиб олишни молиялаш-тириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сир эмаски, ер участкаларини ажра-тиш масаласи энг чигал муаммо, кор-рупциялашган жараён эди. Шу боис, 8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шафқофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя

қилиш ва уларни бозор активига айлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Энди тадбиркорлик учун ерларни тўғ-ридан-тўғри ва текинга бериш амалиё-тидан бутунлай воз кечилади ва ерлар ҳамма учун бир хил ва ошқора, электрон аукцион орқали хусусий мулк қилиб соти-лади ёки ижарага берилади. Тўман ва ша-ҳар ҳокимларининг ер ажратиш ва уларни қайтариб олиш билан боғлиқ барча вако-латлари бекор қилинди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари маз-кур фармонининг аҳамиятига тўхталиб, жойларда унинг ижросини ташкил этиш, ҳалоллик ва қонунийликни таъминлаш бў-йича топириқлар берди.

Аҳоли фаровонлигига дахлдор яна бир масала озиқ-овқат маҳсулотлари-нинг арзонлигидир.

— Нарх-навони арзон қилиш бу тад-биркор ва қорвадорларни мажбурлаш, солтага маҳсулотини паст нархларда сотириш, дегани эмас. Биринчи галда, бозорда таклифни кўпайтириш керак, — деди Президент.

Бунинг учун қисқа муддатларда юқо-ри натижа берадиган йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Шундай тармоқлардан бири — паррандачилик.

Масалан, парранда 1 килограмм вазн олиши учун 1,7 килограмм, қорамолга эса 8 килограмм озуқа-ем талаб этилади. Ле-кин юртимизда парранда гўшти ҳам, ту-хум ҳам аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кам етиштирилади.

Шу боис, йиғилишда парранда са-ноатини қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар белгиланди. Яъни тухум учун субсидия миқдори 3 баравар, пар-ранда гўшти учун эса 2 баравар оши-рилади. Омихта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга айланма маблағни тўлдирди ва парран-дачилик лойиҳалари учун кредитларнинг

Марказий банк асосий ставкасидан юқо-ри қисми қоллаб берилади.

Паррандаларни сўйишга мўлжал-ланган замонавий комплекс лойиҳаля-ри бўйича харажатларнинг бир қисми компенсация қилинади. Паррандачилик қорхоналари учун фойда, мол-мулк, ер ва сув солиқлари ставкалари 50 фоизга камайитирилади.

Бу тармоқдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун “Микрокредитбанк” АТБ ор-қали давлат томонидан 50 миллион дол-лар ресурс ажратилади.

Мутасаддиларга ушбу тартиб ва им-тиёзларни жорий қилиш, мавжуд қорхо-наларнинг тўлиқ қувватларга чиқишига кў-маклашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хусусий шериклик асосида маҳалла-ларда мини-инкубатор ва маҳсулотларни сақлаш учун музлаткичлар ташкил этиш, хонадонларда парранда етиштиришни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини қайта ташкил этиб, шароитимизга мос, насли парранда зотларини яратиш вазифаси қўйилди. Мазкур институтни зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, насли зотлар олиб келиш учун 10 миллиард сўм ажратилади.

Чорвачилик соҳасида 1 мингдан ортиқ, балиқчилик йўналишида 317 та лойиҳани ишга тушириб, гўшт етиштиришни кўпай-тириш чора-тадбирлари қўриб чиқилди.

Жорий йилда сув танқислигини инобат-га олиб, қудуқ қазишга 200 миллиард сўм ажратилиши айtilди. Ушбу маблағлар ҳисобидан камида 10 минг гектар ерни озуқа-ем етиштиришга мослаштириш мумкин.

Йиғилишда вилоят ҳокимлари ишсиз-ликни камайитириш, озиқ-овқат маҳсулот-лари ҳажмини ошириш ва нархлар барқа-рорлигини таъминлаш чоралари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТОЖИКИСТОНГА БОРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10-11 июнь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурида Душанбе шаҳри-да икки томонлама тадбирлар — рас-мий кутиб олиш маросими, тор дои-радаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокаралар, ижтимоий объектлар очилиши ва икки томонлама ҳужжат-лар имзоланишига бағишланган он-лайн маросимлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўрта-сидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари-ни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш режа-лаштирилган. Кўп қиррали шериклик-нинг янги “ўсиш нукталари”ни белги-лаш ҳамда узоқ муддатли истикболга мўлжалланган амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳа-ларни илгари суришга алоҳида эъти-бор қаратилади. Президентлар халқа-ро сиёсат ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашади.

Бундан ташқари, давлат раҳбарля-ри Тожикистон пойтахтида қўшма ма-данний тадбирларда иштирок этадилар, Сўғд вилоятида жамоатчилик вакилла-ри билан учрашув ўтказиб, қатор са-ноат объектлари билан танишади.

Тадбирлар якунида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим соҳаларини қамраб олган 30 дан зиёд ҳужжатлар имзоланиши режа-лаштирилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — То-жикистон муносабатлари сифат жиҳа-тидан янги босқичга — стратегик ше-риклик даражасига кўтарилгани, аниқ амалий мазмун билан бойиганини ало-ҳида таъкидлаш жоиз.

Давлат раҳбарларининг ташаббуси билан ва қатъий сиёсий иродаси туфай-ли икки биродар мамлакат ва халқ ўрта-сидаги алоқаларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳал этилди.

ЎЗА

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 июнь куни маданият ва маърифат соҳаларига оид лойиҳалар такдироти билан танишди.

Улардан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида бунёд этиладиган замона-вий кутубхонадир. Лойиҳага кўра, бу ерда 3 қаватли кутубхона қурилиб, атрофида яшил ҳууд барпо эти-лади. Бинонинг биринчи қаватида санъат ва ахборот технологиялари, иккинчи қаватда тарих, филология ва динга тааллуқли, учинчи қаватда ижтимоий фанларга оид адабиётлар жамланади. Ушбу кутубхона адабиёт, илм-фан ва санъатнинг турли йўна-лишларига оид босма ва электрон

нашрлар, электрон ҳужжатлар, жами 1,5 миллиондан ортиқ китоблар фон-дини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари кутубхонани қуришда шаҳарсозликнинг илғор таж-рибаларини қўллаш, келувчиларга қулай шароитлар яратиш зарурлиги-ни таъкидлади.

Навбатдаги лойиҳалар ҳам ма-даният ривожига қаратилган. Жум-ладан, Урганч шаҳрида Мухаммад ал-Хоразмийнинг янги ҳайкалин ва унинг атрофида хиёбон барпо этиш режалаштирилган.

Президентнинг 2020 йил 2 декабр-даги қарорига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зо-киров таваллудининг 85 йиллиги ни-шонланади. Ушбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрида санъаткор ҳайкалини ўрнатиш белгиланган.

Такдиротда бу борада Бадий академия томонидан танлаб олинган ҳайкал эскизлари кўздан кечирилди. Ҳайкаллар ўрнатиладиган хиёбон-ларни такомиллаштириш бўйича тав-сиялар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЕР МУНОСАБАТЛАРИДА ТЕНГЛИК ВА ШАФҚОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЕРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ БОЗОР АКТИВИГА АЙЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ер участкаларини ажратишнинг бар-ча учун тенг, шафқоф ва бозор тамо-йилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулквий ва ҳуқуқий муно-сабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгалари-нинг мулквий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш **мақсадида:**

1. Адлия вазирлиги, Бош прокурату-ра, Олий суд, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги томонидан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган ер **тўғрисидаги қонун-чиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар** маъқуллансин.

2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 августдан бошлаб:

ер участкалари хусусий секторга — **мулк ва ижара** ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, қорхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-ганларига (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) — **доимий фойдала-ниш ҳуқуқи** асосида ажратилади; мерос қилиб қолдириладиган умр-бод эгалик, доимий эгалик, вақтин-ча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер

ажратиш тартиби бекор қилинади, бунда илгари ажратилган ер участка-ларига бўлган бундай ҳуқуқлар улар-нинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолади;

ижарага олинган ер участкасида қо-нунчиликда белгиланган тартибда қу-рилган кўчмас мулк объектига мулк ҳу-қуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтади;

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари-нинг қарори билан тасдиқланадиган **очиқ электрон танлов ақунларига кўра**, фа-қат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади;

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланма-ган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида **электрон онлайн-аукцион** ор-қали реализация қилинади; давлат ташкилотларига ер участ-калари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қаро-ри билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади;



Давоми 2-бетда

ЭЛ-ЮРТ УМИДИ



“РИВОЖЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИДА БИЗ ҲАМ ҚАТНАШГАНМИЗ, ДЕЙИШ КАТТА ШАРАФ”

Ўзбекистондаги янги ислохотлар дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлиб келяпти. Қувонарлиси, хориждаги ватандошларимиз ҳам бу жараёнга бефарқ эмас.

Чет элларда ишлаётган иқти-дорли, замонавий малакага эга ўзбекистонлик кадрлар юртимиз-га қайтиб келиб, тараққиётимиз-га ўз ҳиссасини қўша бошлади. Давлатимиз раҳбарининг ўзи улар-ни қўллаб-қувватлаб турибди. Бу-нинг учун ҳуқуқий асос ҳам яратил-ди. Яъни Президентимиз 2018 йил 25 октябрда “Хорижда истиқо-мат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини яна-да такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги қарорни имзолади.



Давоми 5-бетда





Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЕР МУНОСАБАТЛАРИДА ТЕНГЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ,
ЕРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ БОЗОР АКТИВИГА
АЙЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 августдан бошлаб, истисно тариқасида, фақат қуйидаги ҳолларда ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришга ҳақли:

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба синовлар амалга ошириш учун **давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига** — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тақлифига асосан; **агросаноат кластерларига** — ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридagi пул маблағи депозитга қўйилганда, қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимининг тақлифига асосан;

энг яхши тақлифни танлаш орқали аниқлан-диган, қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентига (ер майдони ҳажмига кўра ортиб боради) бўлган **йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун** — лойиҳа қийматининг камида 10 фоизига тенг маблағ аввалдан махсус ҳисобрақамга жойлаштирилганда;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — ижарага олиш ҳуқуқини олганлик учун бозор қийматида ҳақ тўлаган ҳолда (халқаро бирлашмалар ва ташкилотлардан ташқари).

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид қуйидаги ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги **ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи** 2021 йил 1 августдан **бекор қилинсин**:

ер участкаларини **тўғридан-тўғри ажратиш**, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасаруф қилиш, бундан мазкур Фармонга мувофиқ ер участкаларини давлат ташкилотларига доимий фойдаланишга ажратиш, очиқ танлов якунларини тасдиқлаш, ижара шартномасини имзолаш, ер участкаларини хусусийлаштириш натижаларини расмийлаштириш бўйича ваколатлар мустасно;

туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш;

суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини **бошқа ер тоифасига ўтказиш**;

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш;

хусусийлаштирилаётган ер участкаларига нисбатан инвестиция мажбуриятлари ёки хусусий мулкни эркин тасаруф этишни чеклайдиган бошқа мажбуриятларни белгилаш.

5. Қонунчилик ҳужжатларида ушбу Фармонда белгиланганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар 2021 йил 1 августдан **тўлиқ бекор қилинсин**.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқача тарзда **имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиш тақиқлансин**.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой муддатда алоҳида ижтимоий ҳимоя қилинадиган шахсларга, шунингдек, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган шахсларга ер участкаларини **электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаб бериш** тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги;

“Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги;

“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж.Қўчқоров):

бир ой муддатда “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёки мерос қилиб қолдирилаётган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари асосида берилган ер участкаларини хусусийлаштириш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини;

Адлия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликлари улушини ошириш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ушбу Фармон расман эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан **мазкур Фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилсин**.

9. Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича **Республика кенгаши** (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ва жойларда ҳудудий кенгашлар ташкил этилсин, уларнинг таркиби 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Республика ва ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

ердан оқилона фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, миллий хусусиятларни иноватга олган ҳолда уларни жорий этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳволини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини бевосита таъминлаш ва давлат назоратини олиб боришга масъул давлат органларининг соҳага доир фаолиятини ўрганиб, мувофиқлаштириб бориш, тегишлича ушбу органлар ва уларнинг қуйи тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

ерларни, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишда кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

ер ажратиш ва ундан фойдаланиш жараёнларига ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини тезлаштиришга қўмаклашиш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш самардорлигини оширишга оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

10. Ер тоифасидан қатъи назар, барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ходимлари масъул эканлиги белгилансин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Адлия вазирлиги билан бирга ер тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан, янги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижро-чилар ҳамда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратура-лари тегишлича Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашларнинг ишчи органи ҳисобланади;

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишлари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади, Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишларига давлат органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилиши мумкин;

ҳудудий кенгашлар ўз фаолияти тўғрисида ҳар чоракда Республика кенгашига ҳисобот беради.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бир ой муддатда тегишли маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан 2019 йил 1 январдан ҳозирга қадар қабул қилинган ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш билан боғлиқ барча ҳужжатларнинг ягона рўйхатини тасдиқлаб, уларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумлаштирсин ҳамда Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига тақдим этсин.

Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг бузилишига, шу жумладан, ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлиқнинг муқаррарлигини таъминлаш учун жавобгар эканлиги белгилансин.

13. Белгилансинки:

электрон онлайн-аукцион ва очиқ танловга қўйиш учун ер участкаларини танлаш, келишиш, аукцион ва танловда иштирок этиш учун мурожаатларни қабул қилиш, аукцион ва танловни ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар, истисноларсиз фақат электрон ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат алмашинуви йўли билан амалга оширилади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига доир барча қарорларини қабул қилиш улар томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — “Е-қағо” тизими орқали, ушбу қарорларда ер участкасига доир географик маълумотлар ва хариталарни шакллантириш эса “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими” орқали автоматик равишда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон давлат
ҳокимиятининг юқори
поғоналарида аёллар вакиллиги
бўйича Парламентлараро
иттифоққа аъзо 130 дан зиёд
мамлакатдан ўзиб кетди

Парламентлараро иттифоқ (ПИ) расмий веб-саҳифаси 2021 йил учун “Сиёсатда аёллар” инфографикасини эълон қилди. Унда аёлларнинг турли мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматларидаги вакилликка оид статистика маълумотлари келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз бошчилигида Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга қаратилаётган устувор эътибор натижасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бу эса, давлат ҳокимияти органлари юқори поғоналарида аёллар вакиллигининг қўйиши ва давлат идораларидаги сафининг кенгайишига олиб келди.

П а р л а м е н т л а р а р о иттифоқ маълумотига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёда

45-ўринни эгаллаб турибди. Республикамиз шу маънода ПИга аъзо 130 дан ортиқ давлат, жумладан, Германия, Австралия, Канада, АҚШ, Марказий Осиё мамлакатларидан ўзиб кетди. Бундан ташқари, республикамиз аёллар парламентга раҳбарлик қиладиган ва ҳукумат таркибига қирадиган давлатлар рўйхатига киритилган. Қайд этиш керакики, хорижий ҳамкорлар Сенат Раиси Танзила Норбоева раҳбарлик қиляётган Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия фаолиятини юқори баҳоламоқда.

Парламентлараро иттифоқ 1889 йилда ташкил этилган. У 179 мамлакат парламентлари-ни бирлаштирувчи парламент-

ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича ҳудудий адлия органларининг ижобий ҳулосаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер муносабатларига доир ҳужжатларни қабул қилишнинг мажбурий шарт ҳисобланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков), Адлия вазирлиги (Р.К.Давлетов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиков), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) бир ой муддатда мазкур банд талабларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ахборот тизимлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни ўзаро интеграция қилиш чораларини кўрсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда: **Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти**;

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти;

Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифни танлаб олишнинг маъмурий регламентини тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ 2021 йил 1 августдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ 2021 йил 1 августдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 октябрга қадар, кейинчалик ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.



Ҳужжат БМТнинг барча расмий (араб, хитой, инглиз, француз, рус ва испан) тилларида чоп этилди, аъзо давлатларга тарқатилди ҳамда ташкилотнинг расмий ҳужжатлаштириш тизимида жойлаштирилди.

Унда таъкидланишича, хорижий террорчи жангчиларнинг ҳаракатларидан жабр кўрган аёллар ва болаларни репатриация, реабилитация

тация ва реинтеграция қилиш инсон ҳуқуқларини миллий, минтақавий ҳамда халқаро даражаларда таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон 2019 йилдан буён Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуроли тўқнашувлар ҳу-

дудларидан ўз фуқароларини қайтариш бўйича бешта махсус операцияни амалга оширди. Натижада Ироқ, Сурия ва Афғонистондан 435 нафар Ўзбекистон фуқароси, асосан, аёллар ва болалар Ватанга қайтарилди. Мамлакат ҳукумати БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда она юртини янглиш тарқ этиб, оғир ҳаёт даврини бошидан кечирганларнинг барчасига ҳар томонлама тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатаётгани яратиб келинган.

Репатриантларнинг тинч ҳаётга қайтиши ва жамиятга қайта интеграциялашуви, таълим ва бошқа ижтимоий дастурларга жалб қилиниши, жумладан, уй-жой ва иш билан таъминланиши учун барча шароит яратилганига эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, уларга мутахассислар томонидан тиббий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни рўйхатга олиш, болалар боғчалари ва мактабларга жойлаштириш масалалари ҳал этилмоқда. Маҳаллий ҳокимият идоралари уларнинг тинч ҳаётга қайтиши ва жамиятда тўла мослашиши учун барча зарур шароитларни яратиб бормоқда.

БМТ материалида қайд этилишича, Ўзбекистон мазкур халқаро ташкилотга аъзо ҳар бир давлат ўз фуқароларининг тақдирини ўзини масъулдир, деб ҳисоблаган ҳолда, ўз фуқароларини, аввало, аёллар ва болаларни можароли зоналардан қайтариш бўйича тизимли иш олиб бормоқда.

“Дунё” АА
Нью-Йорк



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



БМТ: Ўзбекистон ўз фуқароларини
уруш ҳудудларидан қайтариш бўйича тизимли
ишлар олиб бормоқда

Ўзбекистон томонидан хорижий террорчи жангариларнинг ҳаракатларидан жабр кўрган аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар қаҳқадига маълумот БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ

Белгиланган миқдор жаҳон стандартларига қанчалик мос келади?

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Жорий йил май ойи охирида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мамлакатимизда илк бор минимал истеъмол харажатлари қиймати эълон қилинди. Дастлабки ҳисоб-китоб натижаларига кўра, у 440 минг сўм этиб белгиланди.

Ривожланган мамлакатларда аллақачон жорий этилган мазкур тизим бизда биринчи марта татбиқ этилаётгани боис, одамлар орасида турли фикрларга сабаб бўлаётгани табиий. Айримлар бунини истеъмол савати ёки базавий ҳисоблаш миқдори билан боғлаган бўлса, бошқалар барча аҳоли қатлами учун бирдек амал қиладиган қиймат сифатида қабул қилди. Аммо минимал истеъмол харажатларининг юқоридагилардан мутлақо айрича ўз функсионал вазифалари бўлиб, бу, биринчи навбатда, камбағаллик чегараси ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсатини юритишда мақсадли гуруҳларни аниқлашдан иборат.

— Президентимиз Олий Мажлиса Мурожаатномасида хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисmini қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, минимал

шимиз, бу аҳолининг барча қатлами, айниқса, кам таъминланган фуқароларга манфаат келтириши керак эди. Энг муҳими, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда чегара, мезон зарур бўлди. Шулар асосида ишлар бошлаб юборилди.

Мақсад — камбағалликнинг миллий ўлчовини жорий этишдан иборат. Бу Ўзбекистондаги аҳолининг турмуш тарзига хос хусусиятларни акс эттирган ҳолда, унинг фаровонлик даражасини ўлчов имконини беради. Белгиланган ўлчовнинг мунтазам мониторинг этиб борилиши эса камбағалликни камайтириш дастурларининг самарали ишлашини таъминлайди. Бундан ташқари, камбағаллик кўрсаткичи ижтимоий тўловлар миқдорини белгилашда ҳам муайян андоза сифатида хизмат қилади.

НИМА УЧУН 440 МИНГ СЎМ?

Шундай қилиб, минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш дастури жамиятнинг энг заиф қатламлари эҳтиёжларига қаратилди. Узоқ таҳлиллардан сўнг соҳа вакиллари асосий вазифага киришди. Ишлар Жаҳон банки кўмаги ва ҳамкорлигида олиб борилди. Мутахассислар давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмакларига муҳтож аҳолининг мақсадли (таргет) гуруҳини аниқлаш учун мўлжал кўрсаткичи жорий этиш, минимал истеъмол харажатларидан камбағаллик чегарасини белгилашда фойдаланиш ва бунда таргет гуруҳдаги аҳолининг реал истеъмол хусусиятлари ва талабларини инобатга олиш каби вазифаларни ўз олдига қўйди. Бу камбағалликка қарши курашиш стратегияси ва дастурларида белгиланган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳамда манзиллигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритишга хизмат қилиши керак эди.

2020 йилги ўрганишлар жараёнида Жаҳон банки кўмагида тажриба сифатида республиканинг барча ҳудудларидан танлаб олинган 5 400 та уй хўжалигида Давлат статистика қўмитаси ходимлари томонидан сўровнома-лар ўтказилди. Уйма-уй юрган ҳолда ўтказилган сўровномалар рўйхатига 80 турдан ортиқ озиқ-овқат, 100 турдан зиёд ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа хизмат турлари ва уларга бир ҳафта давомида қилинган харажатларнинг жавоблари киритилди. Улар планшетлар орқали автоматик равишда базага киритиб борилди. Унга кўра,



масалан, кимдир 2 килограмм картошкани 8 мингта сотиб олган бўлса, бошқа бири камроқ ва арзонроқ истеъмол қилгани қайд этилди. Махсус дастур ҳар бир маҳсулотнинг калорияси, озуқавий қийматини ҳисоблаб борди. Умумий маълумотлар ҳисоб-китоб қилиниб, аҳолининг маҳсулотларга сарфлайди-

ган харажатлари асосида 10 та гуруҳга бўлинди ва ушбу оилалар орасидан энг кам харажат (даромад)га эга бўлган 30 фоиз уй хўжаликлари ажратиб олинди. Мутахассисларнинг айтишича, сўров ўтказиш жараёnlари тўлиқ ҳаққоний олиб борилган бўлиб, маълумотларнинг тўғрилиги Давлат статистика қў-

митаси томонидан доимий равишда назорат қилиб борилди.

— Халқаро тажриба асосида мақсадли гуруҳ учун аҳолининг 30 фоизи танлаб олинди, — дейди Илҳом Норкулов. — Бу гуруҳда энг асосий харажатлар озиқ-овқатга сарфланиб, унда камбағалликка мойиллик жуда кучли, деб баҳоланади. Шу гуруҳда бир кишига зарур 2200 килокалория учун кетадиган харажатлар ҳисобланганида, бунинг учун ойига камида 295 минг сўм зарурлиги аниқланди. Бу умумий харажатларнинг ўртача 67 фоизини ташкил этапти. Жами харажатлар учун эса киши бошига 440 минг сўм керак бўлади. Унутмаслик кераки, бу барча аҳоли қатлами эмас, балки мақсадли гуруҳ, яъни камбағалликдаги ёки камбағалликка тушиш хавфи остидаги фуқаролар учун белгиланган қиймат. Бу ҳисоб-китоблар шунчаки қайд этилмаган. Унинг замирида катта изланишлар, бир неча ташкилотларнинг ўрганишлари ётибди. Бундан ташқари, ушбу рақамлар Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда қайта-қайта ҳисобланган. Масалан, чекка ҳудудларда бир оилада 6 киши яшайдиган бўлса, 2 миллион 640 минг сўм минимал истеъмол харажати зарур бўлади. Одатда бундай оилада бир киши ишлайди. Демак, дам олиш кунлари билан ҳисоблаганда, бир кунда ўртача даромад 100 минг сўмни ташкил этиши керак. Аслида бу ҳам кичик харажат эмас, реал воқеликка тўғри келади.

Кўрсаткич халқаро миқёсда ҳам солиштириб қўрилди. Юртимизда ҳисобланган минимал истеъмол харажатларининг жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотга нисбати (ЯИМ) 26,8 фоиз бўлиб, мазкур рақам ривожланаётган мамлакатларда асосан 4-20

фоизни ташкил этади. Масалан, Россияда бу кўрсаткич 19 фоиз, Туркияда 17 фоиз, Қозғоғистонда 11 фоиз. Демак, бизда нисбат юқори ҳисобланган. Бунини Жаҳон банки эксперти Уильям Зейц ҳам алоҳида эътироф этди.

— Эълон қилинган камбағаллик чегараси Ўзбекистонда даромад даражаси ўхшаш бошқа мамлакатларга қараганда бирмунча юқори, — дейди Уильям Зейц. — Бу шунинг аниқлиги, мазкур янги чегара юқоридаги бошқа давлатларга қараганда кўпроқ мақсадларни қамраб олади ва ҳукумат ўз олдига юқори вазифаларни қўймоқда. Қийматни аниқлаш жараёни ҳам пухта ва шаффоф амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Жаҳон банки таклифи



асосида камбағалликни ўлчашнинг муқобил ёндашувлари ва ушбу муаммони ўрганишда халқаро давлатлар тажрибаси синовлиқ билан кўриб чиқилганидан сўнг асосий эҳтиёжлар нархини аниқлаш методи деб номланган, тасдиқланган ва энг кўп ишлатиладиган ёндашув танланди. Бу метод ўртача даромадли давлатлар орасида кенг тарқалган бўлиб, Ўзбекистондаги уй хўжаликларининг ҳақиқий ҳаёт шaroитларини ҳисобга олади. Бунинг учун махсус сўровнома ишлаб чиқилган. Ушбу ёндашув халқаро стандартлар, камбағаллик чегарасини аниқлаш усуллари ва меъёрларига амал қилади. Шу билан бирга, унинг натижалари Ўзбекистоннинг ўзига хослиги ҳамда шарoитларини ҳисобга олади. Камбағаллик чегарасининг тўғри белгиланиши жуда муҳим ва бунда ҳукумат эътибори энг муҳтож одамларга қаратилади. Бироқ бу чегара турғун бўлмаслиги ҳамда ўзгарувчан шарoитларга мос келиши лoзим. У мамлакатдаги нархлар ва яшаш учун харажатлар билан бирга ўсиши керак. Шу боис, мамлакатда нархлар кўтарилиши билан камбағаллик чегарасини автоматик равишда ошириб борадиган формула тасдиқланди. Бу, айниқса, ноаниқлик даврида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келинганда энг яхши амалиётдир. Ушбу ёндашув янги бўлгани боис, илг давомида унинг мақсад ва вазифаларига қанчалик мос келишини таҳлил қилиш тавсия этилади.

Белгиланган 440 минг сўм минимал истеъмол харажати тест режимидаги миқдор бўлиб, у инфляция даражаси асосида ўзгариб боради.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги мутахассисларининг айтишича, минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш тажрибасини якунига етказиш мақсадида жорий йилда Давлат статистика қўмитаси Жаҳон банки билан бирга 10 мингта уй хўжалигида сўровнома ўтказишни давом эттиряпти. Илг якунида мазкур сўровномалар натижаси асосида минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш методологиясини тасдиқлаш ҳамда унинг қайта ҳисобланган миқдорини эълон қилиш кўзда тутилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ МИНИМАЛ ХАРАЖАТЛАРИ*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди

Қарорга кўра:

иссиқхона хўжалигига эга бўлиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш истагини билдирган аҳоли (ташаббускор аҳоли) томорқалари ва хонадонларида майдони камида **10 сотих бўлган иссиқхоналар барпо этилади;**

қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари, захирадаги ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва галладан қисқарган майдонлар, яроқсиз деб топилган боғ ва тоқзорлар жойлашган бўш ер майдонларида ҳар бирининг майдони камида **20 сотих** бўлган турар жой мажмуасини ҳам қамраб олган иссиқхоналар (уй-иссиқхона мажмуалари) ташкил қилинади.

Уй-иссиқхона мажмуалари давлат-хусусий шериклик тамойили асосида қўрилади.

Ташаббускор аҳолини танлаш инвесторлар ва туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш учун хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган йиғиладиган алоҳида қисмлардан иборат тайёр ҳолдаги **замонавий иссиқхоналар 2021 йил 31 декабргача божхона божидан озод қилинади.**

Шунингдек, иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуаларини ишлаб чиқариш учун хориждан олиб келинадиган, **Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, хомашёлар ва бутловчи қисмлар 2023 йил 31 декабргача божхона божидан озод қилинади.**

Иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуалари учун ер солиғи ставкалари ҳамда уй-иссиқхона мажмуалари таркибидаги турар жойлар учун мол-мулк солиғи ставкалари улар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб **4 йил давомида 50 фоиз миқдорида ўрнатилади.**

Қарорга кўра, соҳадаги олий таълим ва профессионал таълим муассасаларида замонавий иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, уларда **касалик ва зараркунандаларга қарши курашининг самарали усуллари**ни ўқитиш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, ҳар йили ўтказиладиган “Ташаббус” кўрик-танлови доирасида “Энг илғор иссиқхона хўжалиги” номинацияси жорий этилади.



йўлга қўйилгани ҳам кўпчилиكنинг муш-кулини осон қилди. Қон-қариндошлар дийдорига мушарраф бўлиш бу ҳаётда буюк бахт эмасми?

Ҳа, Ўзбекистон — Тожикистон ўрта-сида сўнгги йилларда шаклланган илиқ ва дўстона муносабатлар туфайли икки мамлакат тadbirkorлари эркин нафас олмақда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Ҳатто коронавирус пандемияси ҳам икки мамлакат ўртасидаги товар айир-бошлаш жараёнига тусиқ бўлмади. Жумладан, 2020 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида Тожики-

ушбу вилоятга 96 миллион АҚШ долла-рилиқ товар экспорт қилинган. Жорий йилнинг уч ойида эса бу кўрсаткич 28 миллион долларга етган. Айни пайтда Сўғд вилоятидан Ўзбекистонга 9 мил-лион АҚШ долларилиқ маҳсулот экс-порт қилинган.

Бизнес форум доирасида фаргона-лик тadbirkorлар ва йирик корхона-лар билан савдо-сотик ҳажмини янада кенгайтириш бўйича битимлар имзо-ланди. Бундай ҳамкорлик Тошкент, Са-марқанд, Сурхондарё каби чегараолди вилоятлари билан ҳам самарали йўл-га қўйилган. Айнан ҳудудлараро коо-перацияни кучайтиришга алоҳида урғу берилмоқда. Чимкент — Тошкент — Хўжанд иқтисодий коридорини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” ҳам нафа-қат икки, балки кўп томонлама минта-қавий робиталарни ривожлантиришга хизмат қилиши аниқ. Яқин йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳаж-мини 1 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон инве-стицияси кўмаги билан Тожикистонда гидроэлектростанциялар қурилиши хусусида келишиб олинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Адабий-маданий алоқаларимиз та-рихий ҳаётимизнинг ажралмас қисми-ни ташкил этган. Бу алоқаларга бўлган иштиёқ, завоқ халқларимизнинг қалбида азалдан бор, бу эса катта куч, жожиба. Фақат янги даврга келиб улар янгича мазмун ва сифат касб этмоқда.

Яқинда Душанбе шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда ўзбек ки-носи ҳафтаси муваффақият билан ўтди. Икки республика кино усталари ҳамкорлик бўйича меморандум имзо-лади. Бизнинг фильмларимиз тожик томошабинларида катта қизиқиш уй-ғотди. Шу боис, ўзбек фильмларини бевоcита тожик тилига дубляж қилиш йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Зулфия Зокирова ва унинг ўғиллари, келин-ларининг мислсиз жасорати ҳақида Президентимиз ташаббуси билан су-ратга олинган “Илҳақ” фильмини мен таржима қилдим ва яқин кунларда тожик тилига овозлаштирилади. Тожи-кистонда ўзбек санъаткорлари чиқиш-лариға ёки республикаимизда тожик хонандаларнинг тароналариға мух-лислар ҳамиша мушток.

Ҳеч қачон эсимиздан чиқмади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ду-шанбе шаҳрига ташрифи чоғида Тожи-кистон Президенти Эмомали Раҳмонга рамзий очик дарвоза макетини топши-раётми, “бу дарвоза халқларимиз учун ҳеч қачон ёпилмасин”, деб ният қилган эди. Шўқрки, бундай эзгу ниятлар изчил рўёбга чиқмоқда.

Шоқахўр САЛИМОВ,
журналист

ҒУРУР

ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИРОФИ КЎНГЛИМИЗДАГИ КЕМТИКНИ ТЎЛДИРДИ



Дунёдаги барча оналарнинг қалби бир хил бўлса керак. Фарзанднинг ютуғи ҳам, муваффақиятсизлиги ҳам ҳеч кимни она қадар таъсирлангирмайди.

Қизим — Нигина Ўқтамова жорий йил апрель ойида Польшанинг Кельце шаҳ-рида бокс бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган бокс чемпионатида ғалаба қозо-ниб, олтин медалга сазовор бўлди. Бир она сифатида фарзандимнинг халқро майдонда мамлакатимиз шарафини ҳи-моя қилганидан фахрландим. У мусобақа-га отланаркан, чемпионнинг онаси бўлиш менга гурур бағишлагани айтдим. Нигина жилмайиб, албатта, ғалаба билан қайтиш-га ваъда берди. То хушхабар келмагунча, на еганимда, на ичганимда ҳаловат бўлди. Қизимнинг зафар қучганини эшитибгина кўнглим тоғ мисол кўтарилди...

Йигирма ёшмида соғлиғимда жиддий муаммо пайдо бўлиб, Самарқандда, сўнг Тошкентда даволандим. Аҳволим ўнглана-вермагач, жавоб беришди, қишлоққа қайт-ди. Қайнота-қайнонам ҳам, ота-онам ҳам тақдирга тан берди. Менинг эса яшагим келарди. Шу орада яна бир тахлил то-пиридик. Ташхис натижасига кўра, мендаги касаллик бошқа экан. Зудлик билан опе-рация қилишди. Аҳволим ўнглана бошлади, мен ҳаётга қайтдим.

Бу пайтда қизларимиз — Сўғдиёна 3, Нигина 2 ёшда эди. Ўғлимиз бўлишини

орзу қилардик, бироқ соғлиғим туфайли бошқа фарзанд кўра олмадик. Қизларимизнинг ўқишига, тарбиясига астойдил эътибор қаратдик. Уларнинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан соғлом бўлиши учун бор салоҳиятимиз, имкониятимиз билан ҳаракат қилдик. Туманимиздаги 11-мак-табда қаратэ тўғраги очилганини эшитиб, қизларимизни Азимжон исмли мураббийга топширдик. Улар машғулотга иштиёқ би-лан қатъий бошладилар. Туман ва вилоят му-собақаларида, тadbirkorларда иштирок этди.

Икки йил шуғуллангач, мураббийи Рос-сияга кетиб қолди. Сўғдиёнанинг спортга иштиёқи йўқолди. Нигина эса кўнглидаги-ни сездирмади. Туман марказидаги бола-лар-ўсмирлар спорт мактабига бокс бўй-ча тўғарак борлигини эшитиб, қизларимга бокс билан шуғулланиб қуришини тавсия қилдим. Сўғдиёна қатъий рад этди, Нигина эса аниқ жавоб бермади. У кўнса, дадаси кўнмайди, дадаси кўнса, Нигина. Шу тари-қа бир йилча спорт билан шуғулланамиз. Охири мажбурлаб спорт мактабига олиб бордим.

Мураббий Ақром Узоқов машғулотла-ри унга маъқул келди. Боксга қизиқиши ошди. Мусобақаларда Нигинага омад

кула бошлади. Ўзбекистон, Осиё чемпио-ни бўлди.

Кўпинча мендан Нигинага қандай ша-роит қилиб берганимизни сўрашди. Мен жавоб беришга тортинаман. Чунки бизда яратиб берадиган шароитнинг ўзи бўлма-ган. Фақат йўналиш бердик, холос. Мен уни машғулотга олиб бориб, агар шу йўл-дан кетса, бизга ўхшаб умри “қора меҳ-нат”да ўтмаслигига ишонтирдим. Чемпион бўлмаган тақдирда ҳам, жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиши мумкин эди.

Турмуш ўртоғим уста, мен уй бекаси. Шундай вазиятлар бўлдики, биз 3-4 йил аввал Нигинанинг ўқув-йигин машғулот-лариға бориб-келиши учун йўлқира ҳам толиб беролмай қолдик. Қизимнинг шасти сўнди. Машғулотларга бормаётганидан ха-вотирланиб, мураббийи Ақром Узоқов биз-ни қақиртирди. Фарзандимизнинг спортни ярим йўлда қолдириб кетмаслигини мас-лаҳат берди. Яна бир мураббийи Азим Худойқулов ҳам ёрдамчини аямди. Нигина билан астойдил ишлади, устозлари унинг руҳини кўтарди, ишонч билдирди.

Нигинага барча шароитни давлатимиз яратиб берди. Шунинг ортидан жаҳонга чи-қяпти, дунё кўрапти. Ишонаманки, бу унинг маҳоратини оширади, тажриба тўплайди.

Яқинда Президентимизнинг бокс бўй-ча Ўзбекистон терма жамоасига йўллаган таъриғини эшитиб, дадаси ҳам, мен ҳам ўзимизда ашўқ қувондик. Нигинага ажа-рланган қимматбаҳо совғалар бир томон, Президентимизнинг эътирофи бир томон бўлди. "...яқинда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган дунё биринчилигида ўзбек қизи Ни-гина Ўқтамова миллий тарихимизда би-ринчи марта хотин-қизлар орасида “жаҳон чемпиони” деган юксак шарафга муяссар бўлганини фахр билан тилга оламиз”, деди давлатимиз раҳбари ўз табриғида. Табрикни бир кунда қайта-қайта эшитаёт-ган дадаси, “Қизим мингта ўғилнинг ўрни-ни босди”, деганида бошимдан ўтган бор қийинчиликлар эсимдан чиқиб кетди.

Эътибор кўнглимиздаги кемтикни тўл-дирди. У йилдан-бу йилга бир қийим олиш-га ҳам шароити бўлмаган оддий оила фарзандининг бу даражада эътироф эти-лишини аввал тасаввур ҳам қилмаганмиз. Ишонаманки, Нигина қизим Президент-миз ва халқимиз ишончини оқлайди.

Лайло САИДОВА

Самарқанд вилояти
Иштихон тумани

АКС-САДО

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 103-сонида (22 май) “Маҳалла ўзгарса — жамият ўзгаради” руқни остида “Маҳаллабай” ишлаш тизими: унинг афзаллиги нимада?” сарлавҳали мақолани ўқиб, ундаги фикр-мулоҳазалар, тақлифлар биз, маҳалла фаолиятини юритувчи масъул ходимлар учун дастуриламал эканини ҳис қилдик. “Маҳаллабай” тизимида фаолият юритаётганим учун мақола менга жуда маъқул бўлди.

“МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМ аҳоли билан ишлаш учун имконият

Ота-боболаримизнинг минг йиллик удулмлари, урф-одатлари, оилавий одоблари биз учун бо-йик мерос. Бой-бадавлат, ибратли оила бўлиб шаклланишимиз ана шу меросни қай даражада асрай олишимизга боғлиқ. Биргина ми-сол. Келин олмақчи бўлган хона-шан аъзоларининг келиб чиқиши суриштирилиб, сўнгра совчи юбо-рилган. Қуда-андачилик масаласи-га жиддий эътибор билан қаралган. Қуёв танлашда ҳам, аввало, унинг соғлиғига эътибор берил-ган. Соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар туғилишини аждод-ларимиз яхши билган. Қуёвга ўтин майдалатиб қуриш тadbirkorлар ҳам катта ҳаётий ҳикмат муяссасм. Оилани бошқаришдек масъулият-ли вазифани бажара олиш-олам-лиги ҳисобга олинган. Келин бўл-мишининг эса саранжомлиги, рўзгор туттиши, пазандалиги, пишиқ-пух-таллиги биринчи ўринга қўйилган. “Эпли келин керакми, сепли ке-лин?” деган ақидага амал қилин-ган.” Эрин эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин”, де-ган нақл ҳам бежиз айтилмаган.

Кейинги йилларда оилавий ажа-ришлар кўпайиб бораётгани та-рихий ҳақиқатларга, миллий урф-одат-ларга, қадриятларга кўпроқ суяниш лозимлигини аниқлаб турибди.

Шу сингари мулоҳаза ва ўй-фикрлар хусусида кўпроқ бош ко-тиришга ундаш билан бир қаторда бугун маҳалла йиғинлари ходим-ларига ҳам жуда катта масъулият юклайди, албатта. Шу маънода ма-ҳаллани яхши, намунали маҳалла-лар қаторига қўиш учун нималар-га эътибор қаратмоқ зарур, деган саволга жавоб изладик ва айрим хулосаларга келдик.

Маҳалла фуқаролар йиғинида тўрт нафар мутахассис фаолият юритади. Агар маҳаллада мингта хонадон бўлса, қар бир ходимга ўртача 2500 тадан хонадон тўғри келади. Ўзимизга бириктирилган 250 та хонадондан кунига 25 та-

сини ўрганишга эришсак, бизга ўн кун кифоя қилади. Хонадонлар қизил, сариқ, яшил тоифаларга бўлинса, келгуси фаолиятимизда енгиллик бўлади. Асосан қизил ва сариқ тоифадаги хонадонлар би-лан ишлаб, уларнинг муаммола-рини бартараф этишга кўмакла-шиш орқали ижобий натижаларга эришимиз шубҳасиз. Бундан ташқари, МФЙдаги тўрт мутахас-сис вазифаларини тўғри англаб, уларни ўз вақтида, виждонан ба-жариб солиғи ҳам маҳаллада ижобий натижаларга эга бўлишга замин яратлади. Маҳалла фуқаро-лар йиғини раиси ижтимоий кў-макка муҳтож муаммолари оилалар билан кўпроқ шуғулланиб, муам-молар ечимини топиш йўллари ҳақида ҳам қўиш энг эзгу амаллардандир. Жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича маҳалла профи-лактика инспектори ёрдамчиси (аввалги посбон) профилактика инспектори билан ҳамкорликда ишлаб, керакли тadbirkorларни вақ-тида ўтказиб турса, албатта, ма-ҳаллада қувонарли ютуқлар кўлга киритилиши шубҳасиздир.

Бунинг учун “Ибратли оила”, “Ки-тобхон оила”, “Пазанда келин”, “Че-вар қиз”, “Донишманд оила бошчи-ги”, “Аҳил-иноқ қудалар”, “Энг обод кўча”, “Энг яхши кўчабоши”, “Энг яхши томорқа эгаси”, “Энг яхши қайнона”, “Энг сахий тadbirkor”, “Эрта никоҳ ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқи-батлари” каби қатор тadbirkorларнинг мунтазам ўтказиб турилиши маҳал-ладаги муҳитни яхшилашда муҳим

омил бўлади. Ана шунда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз янада буй чўзади. Маҳалла обод, фаровон, намунали ҳудудга ай-ланади. Оилалар тинч, осойишта, шоду хурам ҳаёт кечиради.

Биз ана шу ғоялар, тавсиялар, лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш-ни ўз олдимизга мақсад қилиб, иш бошладик. Биринчи қадамларимиз ўз натижаларини кўрсатяпти. Сал-бий ҳолатлар сони камая бошлади. Сизларни эса ўз фикр-мулоҳа-заларимиз, тақлиф ва истақла-римиз билан ўртоқлашишга чо-рладик. Маслаҳатни тўй тарқамас, деган доно нақлга амал қилсак, фойдадан холи бўлмаса керак, деб ўйлайдик.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим. Ма-ҳаллада ўтказилмаган тadbirkor-лар, курик-танловлар, йиғилишу давра суҳбатларининг самараси шундаки, фуқароларимиз уларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришишга интилади. Оқибатда нохуш ҳодисалар содир этишга уларнинг вақти ҳам, хоҳиши ҳам бўлмайди. Шунингдек, мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги на-мунали йўлга қўйилди. Бу бо-рада бизга қар бири 15 кишидан иборат тўртта жамоатчилик ко-миссияси аъзолари ҳамда кўча-бошилар яқиндан кўмакчи, мас-лаҳатчи, ёрдамчи бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугун “маҳаллабай” ишлаш тизими бизга ана шундай янги имкониятлар эшигини очиб, аҳоли билан яқиндан ишлаш, уларнинг дарду ташвишларини ўрганиш ва муаммоларига ечим топишдек шарафли вазифани ба-жаришда қўл келмоқда.

Мавлада АХТАМОВА,
Самарқанд вилояти
Ургут туманидаги
“Қорабулоқ” МФЙ раиси
ўринбосари



ЭЛ-ЮРТ УМИДИ

“Ривожланган Ўзбекистон ислохотларида биз ҳам қатнашганмиз, дейиш катта шараф”

Бошланиши 1-бетда

Абдулла Азизов билан суҳбатимиз унинг болалик хотиранлари, Даниядаги ҳаёти, бугунги фаолияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ҳақида бўлди.

— Аввало, мавриди келганида, сизни муборак Ватанимизга қайтганингиз билан олқишлаймиз. Олдингизга етиб келгунча ўйлаб келдик: Абдулла Азизовнинг болалиги қандай ўтган экан? Келинг суҳбатимизни сизнинг мурқаб феълингиз, болалик интилишларингиз ҳақидаги хотиранларингизни эшитишдан бошласанк.

— Раҳмат. Болалик яхши чоғларда. Жуда қизиқувчан эдим. Тиниб-тинчимасдим. Хотирам кучли бўлган, ўқитувчилар айтган мавзуларни эслаб қолиб, таҳлил қилиб, яхши баҳо олиб кетаверардим.

Аниқ фанларни, айниқса, компьютер технологиялари, математика ва физикани жуда яхши кўрардим. Бу фанларни тез ва осон ўзлаштирардим.

Чет давлатларда ўқиш орзуми эди. Ўша йиллари ўзбекистонлик ёшлар энди-энди хориждаги таълим муассасаларида ўқий бошлаган, уларни телевидорда кўриб ҳавас қилардим. Ота-онам бизни ҳавас қилишга ўратган. “Мақсадингга эришмоқчи бўлсанг, бошқаларнинг ютуғига ҳавас қилгил, илм олишда чарчамай, олдинга интилинг”, деб ўқтиришган. Оиламизда бу гап тез-тез қайтариларди. “Ҳеч қачон бировга ҳасад қилма, ишинг юришмайди” дейиларди. Ютуқларга эришяётган, чет элларда ўқитган талабаларни кўриб ҳавас қилардим. Шу ният билан Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тугатдим.

Университетда жуда билимли, фанларни кучли ўзлаштирган кўрсдошларим кўпчиликини ташкил этарди. Бундай талабалар билан бирга таълим олиш яхши эди. Бу менга янада изланиб, ирода билан билим эгаллашimgа туртки бўлган.

Қизиқ бир тақдирни айтиб берай сизга. Болалигимда бувим доим “Сен профессор, доктор бўласан”, дерди. Қўлогим шу гапга ўрганди. Ўзим ҳам ким сўраса, доктор бўлман, деб юрардим. Лекин ундай бўлмади, молия ва ахборот технологиялари соҳасида ишлай бошладим. Тақдирни қаранг, фалак айланиб, соғлиқни сақлаш тизимида кептириб қўйди. Ҳозир ҳамкасбларимга “Бувим доктор бўлишини хоҳлаган эди, ўзим ҳам болалиқда кўп айтганман шекилли”, деб ҳазиллашаман.

Данияда молия ва халқаро бизнес, ахборот технологиялари йўналишида ўқидим. Бу давлатда 15 йил яшадим.

— Ватанга қайтиш фикри қачон туғилди, бу жараён қандай кечди, шулар ҳақида ҳам гапириб беринг? Ҳар қалай у ёқда анча меҳнат қилдингиз, ҳатто ўз компаниянгизни очганингиз ҳақида эшитганмиз. Осон бўлмагандир.

— Тўғриси айтсам, она юртва қайтиш Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаган янги ислохотлар билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари мамлакатда янги ислохотларни бошлаганида хориждаги ўзбекистонликлар ҳам қувонди, фаоллашди. Шу жумладан, биз ҳам хорижда бўлсак-да, ислохотларни ҳис қила бошладик.

“Буёқ келажак” нодавлат нотижорат ташкилотни ташкил топди. Мен ҳам бу ташкилотга аъзо бўлиб, хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистондаги ислохотларга ҳисса қўшишга чақирдик. Биласизми, четда юрган ўзбеклар Ўзбекистонга ёрдам бергиси келади. Чунки биз шу юртва улғайдик, илм олдик. Қолаверса, ота-онамиз, яқинларимиз Ўзбекистонда истикомат қилади. Ўзимизнинг давлат ривожланса, қандай яхши!

Гап келганда, айтиб кетай. Биз четга чиққан йиллари жуда галати вазиятларга дуч келардик. Ўзим ҳам гувоҳи бўлганман. Америкада хиббонда бир дўстим билан ўзбекча гаплашиб турган вақт ёнимиздан ўтиб кетаётган одамлар “Бу қанақа тил, қаерликсизлар?”, деб сўради. Дўстим “Россиядан”, деди. Ҳайрон бўлдим, нимага унақа жавоб бердинг, деб сўрадим. “Ҳозир Ўзбекистондаммиз, ўзбекмиз десам, тушунмайди, тинчгина, Россия деб қутилиш керак”, деса бўладими. Яна бир мисол, Жанубий Кореяда яшаётган баъзи ўзбеклар “каннадаликман”, деб ўзбекилигини айтмасди. Бу жуда оғир ботади. Ўзбекистондан бўлиб, ўз юртингни айтишга ор қилсанг.

Сингапур — кичкинагина давлат, лекин улар “Мен сингапуриликман”, деб гурур билан айтади. Чунки дунёга ўзини танитиб олган. Бугунги Ўзбекистон ҳам дунёга ўзини танитишни бошлади. Бу йўлда жиддий марраларни босиб ўтмоқдамиз. Олдимизда жуда кўп оғир ва йирик марралар турибди.

Бугун бизлар келажак авлодимиз ҳудди сингапуриликлар каби “Мен Ўзбекистонданман” деб фахрланиб айтиши ва гурурланиб яшаши учун қурашяпмиз. Ўзбекистонга қайтишимнинг асосий сабаби ҳам шу. Биз ҳеч қачон кимлигимизни эътироф этишдан орланмишдир керак эмас. Ўзбекистонни юқорига кўтаришимиз, бунинг учун ақл-идрок билан тинимсиз ҳаракат қилишимиз зарур, деб биламан.

— Раҳмат. Гапларингиз бизни ҳам руҳлантирди. Келинг, энди бевосита Ўзбекистонда иш бошлагингиз ва Президентимиз билан илк учрашувингиз ҳақида айтиб берсангиз?

— Президентимиз билан биринчи мулоқотим видеоселектор йиғилишида бўлган. Ушанда Давлат солиқ қўмитасида раис ўринбосари лавозимида иш бошлаган эдим. Қўмита раиси “Абдулла Азизов хориждан қайтиб Давлат солиқ қўмитасида фаолиятини бошлади”, деб менга сўз берганди.

Шу йиғилишда Президентимизга солиқ тизимини рақамлаштиришни, шаффофлигини таъминлашни тезлаштириш зарурияти ҳақида фикрларимни, ғояларимни айтганман. Президентимиз қайтганим учун раҳмат айтиб, менинг фикрларимни қўллаб-қувватлаган.

Юзма-юз учрашувимиз эса ўтган йили июнь ойида бўлган. Давлатимиз раҳбарининг Олмасор туманига ташрифи чоғида соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни қандай амалга ошириш ғояларини тақдим этганман.

Тақдимот учун бор-йўғи 3 дақиқа вақт беришган, лекин 15 дақиқа гапирганман. Президент “Абдулла, сенинг ҳамма фикрларингни эшитардим, ғояларинг кўп экан”, деган. Ушанда тизимни рақамлаштириш бўйича “Ақл маркази” очиш таклифини илгари сургандим. Таклифимни маъқуллаган, ҳозир шу йўналишда ишлар бошланган.

Бугун бевосита шу жараёнларга масъулман. Очик айтиш керак, соғлиқни сақлаш жуда оғир тизим. Бунчи яхши билардим. Рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик ва суғурта йўналишларига масъул вазир ўринбосари этиб тайинландим. Суғурта нималигини, қандай ишлаши кераклигини Данияда тиббий суғуртадан фойдаланганим учун жуда яхши билардим. Қолаверса, давлат-хусусий шериклик ҳам иқтисодий йўналиш бўлгани учун яхши таниш, рақамлаштириш эса бевосита ўзимнинг соҳам.

— Соғлиқни сақлаш тизимида иш бошлаганингизга ҳам 10 ой бўлибди. Нималарга эришдингиз, деган савол туғилиши табиий. Тизимдаги вазият, режалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— “Менга билдирилган ишонч ва ажратилган инвестицияни оқладимми?”, деган савол беришга одатланганман. Ўзбекистонда яна бир савол беришга ўргандим: Президентимизнинг ишончини ва халқимизни кутаётган натижани бера оламимиз?

Ўзи, умуман, қайси соҳада ишлашимдан қатъи назар, энг аввало, масъулиятни сезаман. Фақат натижа ҳақида ўйлайман, раҳбарликнинг ҳою-ҳавасига қизиқмаганман, хурсандчилигини тушунмайман. Чунки кўпроқ ишончини оқлаш, жавобгарлик ва масъулиятни ҳис қилишга ўрганганман. Ойладаги тарбиямиз шунақа бўлган. Лекин фарзандим кичик бир ютуқни қўлга киритганини кўрсам, бошим осмонга етади.

Соғлиқни сақлаш тизимида келганимда ҳам шунақа бўлди. Кўпчилик табриклади, лекин тизимдаги вазият анча мураккаблиги учун менинг хаёлим ишни бошлаш ва натижа кўрсатиш эди. Давлат-хусусий шериклик бўйича биронта битим имзоланмаган, суғурта тизими бўйича 20 йилдан буён мунозара давом этиб келаётган, рақамлаштиришнинг ахволи жуда оғир бўлган бир ҳолат эди.

Бугун ўзимга 10 ойда нимани ўзгартирдинг, деган савол қўйиб, ҳисоботимни эшитсам, кўз олдимга шундай манзара келади:

Суғурта тизимидаги ислохотларимиз энг катта ютуқларимиздан бири бўлди. Бу бўйича Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги моде-

ли ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосий мақсадимизга эришишда ҳуқуқий асос бўлди.

“Кафолатланган пакет” яратилди. Давлат тиббий суғурта тизимини жорий йил 1 июлдан ишга тушириш ҳаракатидаммиз.

Давлат-хусусий шериклик бўйича 15 та битим имзолашга эришдик. Гемодиализ лойиҳасида ҳам камчиликлар кўп эди. Бу бўйича тендер жараёнини тезлаштириш, ҳиндистонлик ҳамкорлар билан жуда яхши нархда битим имзоладик.

Халқаро молия корпорацияси билан радиотерапия ва кўп тармоқли шифохоналар очиш бўйича лойиҳаларди ҳужжатларни яқунга етказяпмиз.

Яқинда ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари шу йил охиригача 11 та битимни имзолаш вазифасини қўйди. Биз ундан ҳам кўпроқ қилиш ҳаракатидаммиз.

Дарвоқе, ҳозир битимларни имзолаш жараёни ҳақида ўйлаяпмиз. Бизда битта давлат-хусусий шериклик битимини имзолашга 180 кундан ортиқ вақт сарфланяпти. Бу муддат аксарият инвесторлар билан ишлашга тўқсинлик қилмоқда. Ҳокимиятлар томонидан ер ажратиш жараёни ҳам оғир. Шунинг учун бу жараёни енгиллаштириш ҳақида бош қотиряпмиз.

Яна битта режими бор, бу — поликлиникаларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш. Агар бу лойиҳа ўзини оқласа, яъни кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланса, бизнес жараёнлар оптимизацияси амалга ошса, хусусий шерикка поликлиникаларни бошқарувга бериш жараёни жадаллаштираммиз.



Қисқа муддатда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришда эришган энг катта ютуғимиздан бири, бу — стратегия ишлаб чиққанимиз бўлди. Тасаввур қилинг, қалин ўрмонда кетяпмиз, шоҳ-шаббаларни кесиб йўл очиб боришимизга тўғри келади. Лекин қаерга бораётганимизни аниқ билмасак, ўзимиз истамаган манзилга келишимиз эҳтимоли жуда юқори. Стратегия эса бизга аниқ манзилни белгилаб, унга қандай эришиш йўлини кўрсатиб беради.

Стратегияда рақамлаштиришнинг барча жараёни кўз олдимизда намоён бўлади, мақсад аниқлашади. Босқич-ма-босқич, нимани қандай қилиш кераклигини билиб, ақл билан ишлаймиз.

Стратегия фақат рақамлаштиришда эмас, балки соғлиқни сақлаш тизиминики ҳам бўлиши шарт. Тизимга ҳар қандай инвестиция киритилганда, биринчи ўринда биз нимага талаб борлигини билишимиз керак. Статистик маълумотлар ҳудудлардан йиғилади ва бу жараёнда баъзи маълумотлар хато бўлиб, таҳлил натижалари ҳам нотўғри шаклланиши мумкин. Албатта бу айрим қарорларни қабул қилишда хатолликка олиб келади.

Шунинг учун биз “Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегияси — 2030”ни ишлаб чиқишни мақсад қилганмиз. Ушанда биз қайси йўналишга ва қачон ўрга беришимиз, қандай амалга оширишимиз керак, ҳаммасини билиб ҳаракат қиламмиз. Натижадорлик эса бугунгидан икки-уч баробар ошади.

Шу пайтгача тизимда рақамлаштириш қандай амалга оширилган, деб сўрашингиз ҳам мумкин. Кичик-кичик лойиҳалар, дастурлар жорий этилаверган. Бир қарасангиз, кўп иш қилингандек кўринади. Турли хил тизимлар ишляпти, лекин улар бир-бири билан боғланмаган.

Тўғри йўл — ягона платформа яратиш. Бошида қилинган иш кў-

ринмаслиги мумкин. Платформани бинонинг фундаментиға ўхшатаман. Тошкент шаҳар марказида “Nest One” — осмонўпар бино қуриляпти. Энди-энди бино кўзга ташлан-ди. Бунгача қанча иш бўлган, ер қазишган, мослаштиришган, бетон қуйишган ва ҳоказо. Хуллас, бинони тиклашга тайёрлаш замирида оғир меҳнат ётибди, лекин девор кўтармагунча бино кўринмайди. Шунга ўхшаб, платформа яратиш жуда мураккаб ва масъулиятли жараён, хато қилишга ҳаққимиз йўқ.

Агар ягона платформа хато яратилса, кейинги яратилган дастурлар бундан жабр қилади.

— Тасаввур қилайлик, рақамлаштириш бўйича стратегия тўлиқ ишлай бошлади. Шунда халқимиз соғлиғини сақлаш тизимида, аҳоли ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлади?

— Ҳар бир фуқаронинг ягона электрон тиббий картаси (ID) бўлади. Поли-ликнига бориб ID-картини берсангиз бас, тиббий тарихингиз очилади ва умрингиз давомидидаги барча тиббий маълумотлар тизимда кўринади. Демак, ҳозирги амбулатор дафтардан воз кечилади.

Тиббий картага нотўғри маълумот киритиш мумкин эмас. Бу ҳаёт-мамат масаласи. Чунки ушбу нотўғри маълумот асосида шифокор қўйган ташхис натижалари ҳаётингизга жиддий таъсир кўрсатиши аниқ. Бу бемор ва шифокорнинг масъулиятини оширади. Ҳозирги кунда амбулатор дафтарга хоҳланган нарсаи ёздириб, кейин янгисини ҳам очиш мумкин. Эскисини йўқотиб юбориш ҳам ҳеч қандай муаммо яратмайди.

— Ҳа, кўпчилик аҳоли “Энди суғурта учун ҳам қўшимча пул тўлар эканмиз”, деб ўйляпти. Пул тўланмайди, бу мажбурий суғурта эмас, биз давлат тиббий суғуртасини жорий қилапмиз.

Суғурта бизга нима беради ва у қандай бўлади?

Суғуртадан қўзланган асосий мақсад, кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини ошириш. Бу молиялаштириш усулини кескин ўзгартариш орқали амалга ошади.

Масалан, шифокорларга бюджетдан пул тўланяпти, иш сифати назорати эса йўқ. Яъни ким қандай ишлашдан қатъи назар, бир хил пул тўланаверади. Бу мотивация ва масъулиятни йўқотади, ходимнинг ўз устида ишлашига туртки бермайди. Янги тизимда, аввало, шифокор билан шартнома тузилади. Унда кўрсатилган сифатли хизмат учун пул тўлаш белгиланган бўлади. Давлат ажратган бюджет пули беморнинг ортидан юради.

Бугунги кунда давлатдан ойлик олаётган шифокорларни рағбатлантириш йўлга қўйилмаган. Малакасини оширса, оширмаса ёки бемор келса, келмаса ўша ойликни олади. Суғуртадан асосий мақсад ҳар бир бемор ўзи билан пул олиб келувчи манбага айланади. Бугун битта поликлиникага кўп одам келса ҳам шу пулни олади, кам келса ҳам. Эртага унақа бўлмайди, эртага оливайи шифокорлар курашишга мажбур. Иш сифатини яхшилаш кераки, токи кўпроқ одам мурожаат қилсин. Шифокорларда даволаш ҳолати сонига қараб маблаг ажратилади. Поли-ликналарда ҳар бир оливайи шифокорга боғланган жон бошига қаралади. Суғуртанинг асосий аҳамияти шу.

“Кафолатланган пакет”да қайси дори, қандай даволаш усуллари бепуллиги кўрсатилган бўлади. Сиз қайси дори бепул эканини биласизми? Ана,



йўқ, деяпсиз. Шу қаторда мен ҳам билмайман. Яқинда бир ҳамкасбим дардини айтиб қолди: отам онкологияда кўп даволанди, қанча дори олди, фойдаси бўлмади. Соғлиқни сақлаш вазирлигига келиб билсам, ўша дориларнинг ҳаммаси бепул берилиши керак экан.

Шу боис, Президентимиз доим қайси дори ва қандай даволаш турлари бепул эканини халқ билсин, дейди. Кафолатланган пакетда ҳамма бепул дорилар ва тиббий хизматлар кўрсатилади.

— Президентимиз яқинда ўтказган видеоселектор йиғилишида сиз соғлиқни сақлаш тизимида хорижлик инвесторларни жалб қилиш бўйича ҳам гапирдингиз. Тушунишмалар, бу йўналишда ҳам вазифалар кўпга ўхшайди. Нима дейсиз?

— Вазирликда инвестиция бошқармаси бор. Шу бошқармани бошқаришни бошлаганимда аён бўлдики, улар асосан ажратилган кредит маблағлари билан ишлар экан. Тиббиёт соҳасида ҳеч қайси норматив ҳужжат инглиз тилига таржима қилинмаган. Ҳозир янги муҳит яратишга киришганмиз, яъни нафақат кредит маблағлар, балки йирик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадимиз.

Яқинда туркиялик йирик инвесторлар билан музокаралар олиб бордик. Уларга мавжуд имкониятлар ва тақлифларимизни етказдик. Улар “Биз келсак давлат қандай кафолат беради?”, деб сўрайдилар. Албатта, улар ҳам ютқазини хоҳламайди. “Сизга Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг ўзи кафолат”, деб айтдимиз.

Ҳа, шу ўринда битта фикр ва вазиятнинг ҳам айтиб қўйай. Ўзбекистон Марказий Осиёда тиббиёт соҳасида Марказ

бўлиши эҳтимоли жуда катта. Мана Туркия шундай марказ-ку. Адашмасам, бу мамлакатга хорижий мамлакатлардан келиб даволанаётган фуқаролардан бир йилда ўртача 20 миллиард доллардан зиёд маблаг кириб келади.

Марказий Осиёда тахминан 100 миллион атрофида аҳоли яшайди. Ўзбекистон минтақада тиббиёт маркази бўла олса, иқтисодиётимизга таъсирини ўйлаб қўрайлик. Хориждан келган фуқаро фақат даволаниш учун пул тўламайди, унинг оиласи келади, улар меҳмонхонадан фойдаланади, овқат ейди, яқинларига совға олади, Самарқанду Бухорони кўрсасдан кетмайди ва ҳоказо. Шунинг учун биздан бу йўналишни ривожлантиришимиз, инвесторларни жалб қилиш талаб этилади.

— Абдулла Абдисаламович, энди мавзудан сиз четлашиб, Европада орттирган ҳаётий тажрибаңиз билан алоқадор савол берсанк. Сиз Данияда йирик компанияларда ишладингиз, европалик раҳбарлар билан мулоқотда бўлгансиз, ўзингиз ҳам жамоаларни бошқаргансиз, шундан келиб чиқиб айтингчи, бугунги Ўзбекистондаги раҳбар кадрлар салоҳияти қандай? Ёки сиз кадрлар қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Президентимиз ва ҳукуматимизнинг раҳбарлардан талаби битта — кучли лидерлик салоҳияти. Очиғини айтсам, бизнинг айрим раҳбарларда ана шу салоҳиятни ривожлантириш талаб этилади.

Лидер раҳбар қанақа бўлади? У доим жамоанинг олдида бўлиши, тўғри йўналиш кўрсатиши, ходимларига ишоничи ва ўз жамоасига қалқон бўлиши керак. Ҳақиқий лидер ютуқни, мағлубиятни “мен” деб эътироф этади. Бизда негадир кўп ҳолларда орқадан туриб “юр-юр”, деб бошқарилади. Ютуқ меники, мағлубиятга сен айбдор дейишди, ўз ходимини бошқардан қўриқламайди. Менимча, бизнинг оғрикли нуктамиз шу.

Европада “Менежер бўлма, лидер бўл”, деган ғоя бор. Лидерга қийин бўлади, лидерлик вазифасини олиш ҳам осон эмас. Чунки у ҳар доим, ҳаммага тўғри йўналишни кўрсатиб туриши, хато бўлганида бўйнига олиши керак. Яна бизда жамоани бирлаштириш тажрибаси йўқ, жамоавий руҳ етишмайди. Масалан, менинг битта ўзим ҳеч нарса қилолмайман. Лекин биз жамоа бўлсак, тоғни талқон қилишимиз мумкин. Шунинг учун бир-биримизни эшитишимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак. Ва ниҳоят, жамоада фақат битта сўз — “Биз” ишлатилиши керак. Биз ишлаймиз, биз бажарамиз, биз етиштирамиз, биз эришамиз.

Бундан ташқари, “тайм менежмент” деган тамойил ҳам бор. Ходим ярим тунгача ишламасин, топирикни бажардим, ўзининг устида ишласин, уйига бориш, фарзандининг тарбияси, ўқиши билан шугўллансин. Бу ҳам катта иш. Чунки фарзандимиз эртанги Ўзбекистон келажаци.

— Ўзбекистонда ишлаш сизга қийин бўлмаганди? Чарчаб қолмадингизми?

— Тўғриси тан олиб айтиш керак, осон бўлмаганди. Ислохотларни амалга ошириш ҳеч қачон осон кечмаган. Менга битта нарса куч беради — Президентимизнинг ишончи. Халқимиз учун, ватанимиз учун ишляпмиз! Ота-онам шу ерда, улар билан вақт ўтказиш жуда муҳим. Улар ҳам омонат. Шунинг борабарид улар ҳам фарзанди билан яшаб, фарзанди ва неваралари роҳатини кўрсин келади. Халқимизга ҳам қўлдан келгунча хизмат қилайлик.

Энг муҳим яна бир жиҳат бор. Янги ислохотларда қатнашиш ҳам катта бахт-ку. Эртага нафақага чиққанимизда, ривожланган ватанда ортга қараб, набиралар билан суҳбатлашиб ўтирганда, янги Ўзбекистонни кўриш ислохотларида биз ҳам иштирок этиб, ўз ҳиссамизни қўшганмиз, дейиш катта шараф.

— Аёнки, буюк мақсадларни қўзғалаб келгансиз. Президентимизнинг катта ишончи турибди зиммангизда. Бу йўлда сизга зўр ғайрат, куч-қувват, соғлиқ тилаймиз. Раҳмат.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Улуғбек АСРОРОВ
суҳбатлашди.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ФАЙЛАСУФ ШОИРНИНГ

рангин дунёси
ёхуд назмга сизмаган сатрлар

Шахло АБДУРАХМОНОВА,
журналист, Антик дунё илмий
академияси профессори

Ҳақиқий шеърни тушунтириб, изоҳлаб бериш қийин, уни фақат ҳис қилиш мумкин. Ҳақиқий фалсафий мушоҳадаларни-чи?.. Мен болалигимдан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг гўзал шеърятини мутолаа қилиб, эшитиб улғайдим. Биз мактабда илк қадам қўйган йилларимиз мамлакатимиз эндигина мустақилликка эришган, мактаб остонасига ҳар куни матни Абдулла Орипов қаламига мансуб Давлат мадҳиясини тинглаб борар эдик.



“Катта шоир ҳамиша ўз вақтида майдонга келади, у — ҳамиша тарихий. Зотан, катта шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва инсон қалби изтиробларининг ифодасидир. Бироқ, энг асосийси, у ўз даврининг ҳақами ва куйчиси, у жарчи ва файласуф, у сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир — дарвеш. Буларнинг бари унга қалб изхорини ҳаммага бирдай тушунарли, сеvimли, шу билан бирга, кўтаринки, теран маънолар моҳиятини ифодадалаш учун этилан. Шу боис, шоирнинг сўзларидан замондошлари ҳам, келгуси авлодлар ҳам фахрланиб юради. Абдулла Орипов менга ХХI асрга қадам қўйган давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик ана шундай шоири бўлиб гавдаланади”, дея таъкидлаган эди Чингиз Айтматов.

Атоқли адибнинг шоир ҳақидаги мулоҳазаларини мутолаа қилар эканман, унинг “...файласуф, у сўз сеҳргари ва узлатга чекинган мутафаккир — дарвеш”, деган жумлалари эътиборимни тортди. Халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Ориповнинг шеърлари нақадар сеvimли, ҳар бир юракка яқин нафасга эга. Аммо менинг эътиборимда буюк шоирнинг шеърят дунёси эмас, унинг назмга сизмаган сатрлари, яъни фалсафий қатралари эди. Бу қатраларда бевосита шоирнинг қаламидан тўкилган, аммо шеър бўлиб эмас, насрий-фалсафий сатр бўлиб юрагидан битилганлари эди.

Шоир ёзади: “Ҳаётда ҳар бир инсоннинг, ҳар бир миллатнинг нимага эришиши, ҳеч шубҳасиз, унинг орзу-хаваси, қилган нияти ва шу йўлдаги интилишига бевосита боғлиқ”. Сатрларда айтилганидек, миллатнинг келажаги ҳақиқатан унинг интилишларига боғлиқ. Бу жараён қанчалик ҳақиқат эканини ҳозирги даврда амалга оширилаётган “Беш ташаббус” ҳаракатида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Ёки асл инсоннинг қадр-қиммати ҳақида гапирганда, шоир бундай дейди: “Инсоннинг қадр-қиммати унинг ташқи кўриниши — сурати билан эмас, руҳий дунёсининг нечоғлиқ бой ёки қашшоқ экани — сийратига қараб белгиланади”. Шоир бу билан маънавий баркамол инсон ҳар қадамда, қандай ҳолатда бўлмасин, қадр-қимматга эга бўлиши лозимлигини таъкидламоқда.

Покиза ҳис-туйғулар, ёшлик софлигини сақлаш, унинг аҳамияти хусусида эса сеvimли шоиримизнинг куйидаги сатрларини ўқийсиз: “Ёшлик софлигини сақлаб қолишнинг энг яхши йўли — ёмон ҳисларга кўнгилдан ўрин бермаслик. Болаликни сақлаб қолиш. Болалик софлигини сақлаб қолган кишилар бу дунёда энг бахтиёрлардир!”. Қудратли тарихга ворис бўлган, ўз ўтмишидан гуруланишга ҳақли ўғил-



қизлар улугвор маънавий булоқлардан тафаккур чанқоқлигини қондириб, буюк қаҳрамонликларга юз буроади. Бундай камолотга етишган авлодларнинг эртанги куни ёруғ, манглайи ярқирок, келажаги албатта буюк бўлади”.

Шоирнинг тарихнинг улугворлиги, ўз тарихини чуқур англаш нечоғлиқ муҳимлиги ҳамда ёшларнинг тарихий тафаккурини ўстириш зарурати ҳақидаги фикрларини ўқир эканман, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги куйидаги сўзлар ёдимга тушди: “...Барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғок, янада фаол бўлишга чақирмоқчиман. Тарихга сергак қараган одамгина доимо хушёр ва оғох бўлиб яшайди. Бугунги вазиятга ҳам, келгуси жараёнларга ҳам ҳолис ва ҳаққоний баҳо бера олади. Бу эса ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш,

юксак тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартидир”.


Сўз қадри ва қудрати, унинг аҳамиятини Абдулла Орипов бундай баён этган: “Тил бу — одамларга табиат томонидан берилган, инсонларнинг минг йиллар мобайнида ўзаро муносабатларида сайқалланиб келган шундай бир жавоҳирки, бу жавоҳирни сочиб юбориш, беҳурматлик қилиш эмас, кўз қорачиғимиздек асрашимиз керак”. Чин ижодкорлик, унинг мазмунини англаш ҳамда улғайиш хусусида: “Ижоднинг этагидан маҳкам тутиб, қочмасдан, иқтидорини чархлаб борган инсонгина ижодкор бўла олади. Ижодкор учун ижод — бу фалончи кундан пистончи кунгача бўлган “командировка” эмас. Ижодкор минг уринсин, яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам, жамиятдан узилиб яшай олмайди. Чунки у жамият фарзандидир. Ижоднинг кўпчилик учун марҳаматли эҳсони шундаки, унинг завқидан доҳий санъаткор ҳам, гўр ҳаваскор ҳам бебаҳра қолмайди”. Инсонпарварликка оид: “Эл-юрт агар сени яхши одам деб ҳисобласа, инсонийлигинг ҳам шу бўлса керак”. Ҳисмоний ва маънавий гўзаллик ҳақида: “Гўзаллик шундай нарсани, у инсонда бегараз меҳр-муҳаббат, шодлик, эркинлик ва шунга ўхшаш туйғуларни уйғота олиши шарт. Инсонлардаги маънавий бойликини, ахлоқий покликни ривожлантиришга хизмат қилиш гўзаллиқнинг олий вазифаси ҳисобланади”.

Шоир ўз қатраларида маърифатсизлик, инсонга хос бўлган ёмон иллатлар, унинг оқибатлари, ҳасадгўйлик, манманлик кабиларни қаттиқ қоралайди. Улар ҳақидаги фикрларини бундай баён этади: “Одам боласининг қонда азалдан маърифатсизлик белгилари мавжуддир, уни бартараф этмасанг, у татомила жаҳолат ботқоғига ботиб кетиши мумкин. Дунёда маънавият илдини қошиш, кишилар руҳиятини қарахт этишдан ортиқ жаҳолат, ёвузлик топилмайди”. “Инсониятнинг азамат фарзандлари ёхуд фидойи инсонлар ҳамиша ичиқораларнинг уйқусини қочиради. Ичиқоралар ўз қадрларини билмайдилар”. “Ичиқоралик, ҳасадгўйлик, гуруҳбозлик иллатлари миллатни зимдан емирадиган наркотик заҳарлардир”.

Инсон умри давомида турли тоифадаги одамлар, характерлар билан тўқнаш келади. Табиийки, бу инсон тафаккури учун сабоқ, бир манба бўлиб боради. Чунки жамиятда барча бирдек характерга эга бўлмаслиги — оддий ҳаёт қонуни. Қайсидир йўл билан мансабга эришган, манманлиги ва такаббурлиги туфайли оёғи остидаги ерни ҳам кўрмайдиган кишилар хусусида шоир ёзади: “Унутмангки, такаббур одамдан Ватанига ҳам, халқига ҳам ҳеч қачон самимий бир яхшилик келмайди”. Ҳақиқат учун кураш йўлларининг залвори ҳақида эса: “Ҳақиқат эгилари, лекин синмайди, дейдилар. Оҳ! Мана шу эгиларда унинг неча-неча қобиргалари синиб, пайлари узилиб кетишини билсангиз эди!”, дейди шоир.

Қатрлар давом этади. Маънолар эса денгиз-денгиз: “Мудом эзуликнинг посбони бўлгил...”. Абдулла Орипов ижодининг илк тадқиқотчиларидан бири Норбой Худойберганов унинг шеърларини мўъжизага қислаган. Дарҳақиқат, чинакам шеър йўқликдан бор бўладиган тирик бир мавжудот сингаридир. Фарқи фақат абадий яшашида. Шеърят сеҳр-жозига, юксак фикрларнинг уйғунлиги бўлса, фалсафий қатралар ҳаётнинг ҳаққоний кўзгуси. Ақл ва тафаккурни чархловчи мезон. Тафаккур ва ақл уйғунлиги улғайгани, теранлашгани сайин фалсафий қатралар тафаккур китобининг саҳифаларида томчини кузатганингизда тўлиб томганидек, томиб боради.

Абдулла Ориповнинг таваллуд куни эди. Қашқадарёга Ёзувчилар уюшмасидан 20 нафарга яқин таниқ-



ли ижодкор ташриф буюрган. Атоқли шоирнинг таваллуд кунини телекурсатув қилиб эфирга узатиш менга топширилган. Телевидение ходимлари билан Қарши давлат университетидаги ижодий учрашувга, улў ижодкор таҳсил олган 44-умумтаълим мактабига бордик. У ердан лавҳалар ва суҳбатлар олган, Косон туманидаги Некўз қишлоғи ҳамда Кўнгиртов тоғи ёнбағирларида бўлдик. Шоирнинг рафиқаси, кенжа қизи ва шоира Бўритош Носирова билан суҳбатлашаётганимизда, Абдулла Ориповнинг ижодкорлардан айро ҳолда адиллар узра ёлғизоёқ йўлда олисларга термулиб ҳаёл сураётганига кўзим тушди. Аини дамда ҳам буюк шоиримизнинг тафаккурида бир буюк асарга сарлавҳалар ёки гўзал бир ижод яралаётгандир, деган фикр ўтди кўнглимдан. Кейинчалик ушбу телекурсатувга “Эҳтиром” деб ном бердик...

Халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов ижодининг рангин қиралари йиллар утгани сайин мен учун янги-янги саҳифалар очиб бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг ўзи айтганидек, ҳақиқий ижодкорнинг ижоди абадий ашайди. Тадқиқ қилар экансиз, унинг фалсафий қатралари дунёси шунчаки дунё эмас, тафаккур томчилар дунёси, инсон онгининг маъвоси эканини англаб борасиз.

МАЪРИФАТ

Дунёда глобаллашув жараёни шиддатли тус олган бугунги кунда турли маданият ва динга мансуб халқлар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.



БАҒРИКЕНГЛИК — АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ



Неъматулло МУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси ислом тарихи ва
манбашунослиги—IRCSA
кафедраси мудири, тарих фанлари
доктори, доцент

Зеро, бугун якка шахс ёки алоҳида миллат ва давлатнинг ўз қобигидан чиқмасдан тараққий этиши тасаввурга сизмайди. Бунда эса, аввало, бағрикенглик тамойили устувор бўлмоғи зарур. Ўз навбатида, мазкур тамойилнинг қарор топиши ҳар қандай давлатнинг тинч, осойишта ва фаровон ҳаётига ҳам кафолатдир.

Президентимиз 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалар ҳақида тўхталар экан, “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифини илгари сурган эди. 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессияси 51-йигилишида мазкур резолюция 193 та аъзо мамлакат томонидан қабул қилинган бўлиб қилинди.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқишида ўзига хос рамзий маъно бор. Бугун миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон намунаси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон заминидан азалдан ислом дини билан ёнма-ён бошқа динлар, маданиятлар ҳам яшаб, ривожланиб келган. Асрлар давомида йирқи шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогалар мавжуд бўлгани, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз дини амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради.

Юртимизда бағрикенглик ва мurosанинг илдизлири узоқ асрларга бориб тақалади. Мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатган турли динлар маданияти бўйича изланишлар қилган япон олими Кюдзо Катонинг таъкидлашича, Сурхондарё воҳасидаги ноёб будда маданияти ва аҳудий ёдгорликлари, Бухородаги насронийлар зибратгоҳлари юртимиздаги ислом обидалари билан бир қаторда турши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Жаҳондаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Дин одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Аксарият

динлар бу дунёни фоний, ўткинчи деб ҳисоблайди. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади бу дунёда хайрли, савоб ишлар қилиш, деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни, кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш ўз аксини топган. Хусусан, аҳудийлар жамоаси вакилларидан бири Р.Бен-Сман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилган, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтда ҳам шароит яратиб берилганини таъкидлаб: “Урта аср Европаси ва Византия империясидан қувғин қилинган аҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди”, деб ёзади.

Шу ўринда архиепископ Владимирнинг фикрларини ҳам келтириш жоиз деб билдик: “XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб қўчирилган деҳқонлар ночор аҳволга тушиб қолганда маҳаллий аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “...Маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, деб гувоҳлик берган”.

Туркистон ерларига кириб келган рус православ рухонийлари асосий эътиборини миссионерлик фаолиятига эмас, балки ўз жамоаларининг диний эҳтиёжларини қондиришга қаратган. Православлар черков қурганида маҳаллий мусулмон аҳоли ҳам ёрдам кўрсатгани маълум. Масалан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги Муқаддас Георгий ибодатхонаси қурилишига маҳаллий имом ва савдогарлар моддий қўмак берган. Бу ҳолат ушбу динлар вакиллари орасидаги ўзаро ҳурмат ўша даврларда ҳам мустаҳкам бўлганига далил бўла олади.

Тарихий манбаларда Ўзбекистонда диний ва этник муносабатлар асосида бирор марта низо чиқмагани қайд қилинган. Бундай ҳолатни ҳозир ислом, христиан, аҳудий динлари ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу каби дустона муносабатлар, яъни мусулмонлар бошқа дин вакилларининг Ўзбекистон заминида ҳамнафас бўлиб яшашни диний-маънавий тотувлик тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси, деб айтишмиз мумкин.

Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асарида: “Бирон халқнинг у ёки бу удувларига баҳо беришда буниси менга ёқади, унисни ёқмайди, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Негаки, ҳар бир халқ удувлари, аъёналари минг йиллар давомида шаклланган ва ўша миллатнинг ҳаёт тарзига айланган”, деб ёзган эди.

Буюк аждодиимизнинг ушбу сўзлари инсониятнинг бир бутунлиги ва тараққиётни белгилаб берувчи омиллардан бири — маданий турли-туманиликка муносабатнинг ўзига хос шакли бўлиб, бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқнинг моҳиятини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозир юртимизда турли миллат ва элат вакилларининг диний урф-одатлари, аъёналари ва қадриятларини сақлаб қолиш ҳамда бағрикенглик тамойилларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Муҳими, бағрикенглик халқимизнинг азалий қадриятига айланганини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1872.
78817 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоши келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусахҳис: Асоят Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА ақуни — 23:30 Топширилди — 00:55